



## Andijon viloyati Sog'liqni saqlash boshqarmasi boshlig'inining

### BUYRUG'I

2022-yil "05" Dekabr

№ 168

Andijon sh.

#### Болалар тиббий реабилитация марказларини ташкил этиш орқали болаларни соғломлаштириш ва реабилитация қилишни кенгайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони, 2022 йил 25 апрелдаги “2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сонли, 2022 йил 7 июлдаги “Қорақалпоғисон Республикасида 2022-2024 йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-310-сонли қарорлари ижросини ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 26 сентябр кунидаги “Болалар тиббий реабилитация марказларини ташкил этиш орқали болаларни соғломлаштириш ва реабилитация қилишни кенгайтириш тўғрисида”ги 265-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

#### БУЮРАМАН:

1. Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 26 сентябр кунидаги “Болалар тиббий реабилитация марказларини ташкил этиш орқали болаларни соғломлаштириш ва реабилитация қилишни кенгайтириш тўғрисида”ги 265-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур буйруқ билан сурункали касалликлар ва ногиронлиги мавжуд болалар учун ҳудудий тиббий реабилитация марказининг (бундан буён матнда Ҳудудий реабилитация маркази деб юритилади) намунавий низоми 1-иловага;

Сурункали касалликлар ва ногиронлиги мавжуд болалар учун ҳудудий реабилитация марказининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Андижон вилояти болалар уйи фаолияти тутатилиб, шу бино негизида ҳудудий реабилитация маркази ташкил этилиши инобатга олинсин;

3. Бошқарманинг оналик ва болаликни мухофаза қилиш бошлиқ ўринбосари в.б (Г.Абдуллаева), бошқарманинг рақамлаштириш ва хусусий шерикчилик масалалари бўйича ўринбосари в.б (Р.Аскаров), Инновацион соғлиқни саклаш миллий палатаси вилоят бўлими (Б.Юлдашев) ва Андижон вилоят болалар уйи бош врачи Д.Саттароваларга:

худудий реабилитация маркази фаолиятини йўлга кўйишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиши таъминлансин,

бир ой муддатда худудий реабилитация марказининг ташкилий фаолияти ва вазифаларидан келиб чиқиб, уларга белгиланадиган лавозимларнинг янгиланган штат меъёrlарини ишлаб чиқилиб тасдиқлансин, Молия ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармалари билан белгиланган тартибда келишилсин,

Андижон вилояти худудий реабилитация марказида кўрсатиладиган тиббий-реабилитация хизматлари стандартлар асосида олиб борилиши чоралари кўрилсин, бунда: жаҳон тажрибаси, ЖССТ тавсиялари асосида тайёрланган сурункали касалликларда тиббий-реабилитацион даволаш усуллари ва турлари ёритилган стандарт ва клиник протоколлардан фойдаланиш йўлга кўйилсин,

4.Бошқарманинг ички аудит ва молиявий назорат хизмати (Н.Гусейнова), бошқарма бош иқтисодчиси (Б.Ахмедов) ва бош хисобчи (Ф.Сайпидинов)га:

4.1. Андижон вилоят Болалар уйига тегишли бўлган штатлар, барча асосий воситалар, шу жумладан мебель ва офис жиҳозлари, компьютер ва хисоблаш техникалари, тиббиёт ускуналари ва буюмлар, номоддий активлар ва бошқаларни ўрнатилган тартибда инвентаризациядан ўтказишни ҳамда янги ташкил этилаётган тиббий реабилитация маркази ихтиёрига берилишини;

4.2. Мавжуд асбоб-ускуна ва жиҳозлари саноқдан ўтказилишини, қолдик пул маблағлари, дебитор-кредитор қарздорликларини тиббий реабилитация марказига далолатнома асосида топширилиши таъминлансин;

4.3. Фаолияти якунланаётган Болалар уйининг тасдиқланган штат бирликлари доирасида янги ташкил этилаётган тиббий реабилитация маркази фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб белгиланган тартибда штатлар мувофиқлаштирилсин.

4.4. Тиббий реабилитация марказининг штатлар жадвали ва низоми тасдиқлангунга қадар фаолияти тугатилаётган болалар уйининг маъмурияти тиббий реабилитация марказининг маъмурияти сифатида тасдиқланиб фаолияти тугатилаётган болалар уйининг барча мавжуд бўлган асосий

воситалар, шу жумладан мебель ва офис жиҳозлари, компьютер ва ҳисоблаш техникалари, тиббиёт ускуналари ва буюмлар, номоддий активлар ва бошқаларни ўрнатилган тартибда тузилган далолатномалар асосида қабул илиниши таъминлансин.

5. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошлиқ ўринбосари в.б (Г.Абдуллаева), бошқарма бош юристконсульт (М.Рамазонов) Ногирон болалар учун тиббий реабилитация маркази директорларига:

5.1. Ўн кун муддатда бемор, ногиронлиги бўлган болалар учун тиббий реабилитация марказининг мақоми, вазифалари, функциялари, хуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомини ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланиши таъминлансин.

5.2. Ногирон болалар учун тиббий реабилитация марказининг хисоб рақамлари белгиланган тартибда очилиб, ўрнатилган тартибда вилоят Болалар уйининг муҳр ва штамплари йўқ қилинсин ва Ногирон болалар учун тиббий реабилитация марказининг янги муҳр ва штамплари ўрнатилган тартибда янгиси тайёрлансин.

5.3. Янги ташкил этилаётган Ногирон болалар учун тиббий реабилитация маркази биносини таъмирлаш, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш бўйича талаб этиладиган маблағ ва молиялаштириш манбаси юзасидан таклиф киритилсин.

Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдирман.

Бошқарма бошлиғи

А.Мирзажонов